

**Мавзу:  
КИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЯШАЙДИГАН  
ФУКАРОЛАРНИНГ ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ВА ЕРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИ  
РЕЖА:**

- 1. Қишлоқ жойларда яшайдиган фукароларнинг  
ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш  
ҳуқуқларининг умумий тавсифи.**
- 2 .Қишлоқ жойларда яшайдиган фукароларга  
якка тартибда уй жой куриш учун берилган ер  
участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод  
эгалик қилиш ҳуқуқи.**
- 3. Дехқон хўжалигини юритиш учун мерос  
қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи.**

Қишлоқ ахоли пункти ерларига ер тузиш тартибида шу тоифа пункти учун белгилаб кўйилган чегаралар доирасидаги ерлар киради. Қишлоқ ахоли пункти ерларининг ҳуқуқий холати Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 68-моддасида белгиланган. Қишлоқ ахоли пункти ерларида яшовчиларнинг кўпчилик қисми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан банд бўлади. Қишлоқ ахоли пункти ерларининг бош мақсади шахар пункти ерлариникidan фарқли ўлароқ, нафақат шу ерда яшовчи нинг маданий-маиший эҳтиежларини қондиришдан иборатгина эмас, балки қисман қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва саклашдан хам иборатdir.

Қишлоқ ахоли пункти ерларининг ҳуқуқий холати баъзи ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Буларни қўйидагиларда кўриш мумкин:

1. Қишлоқ ахоли пункти доирасидаги ерларнинг маълум қисми қишлоқ хўжалик махсулотларини (полиз, боғ, ферма) етиштиришга мўлжалланган. Бу ерларнинг ҳуқуқий холати қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий мақомига ўхшаш бўлади ёки унга яқинлаштирилган бўлади.

2. Қишлоқ ахоли пунктларида фуқароларга бериладиган ер участкаларининг миқдори шахар пунктларидағига нисбатан анча кўп бўлади. Бундан ташқари, қишлоқ пунктларида ер участкалари иккита жойда ажратиб берилиши, яъни уй олдида ва пункти уй-жойидан четда берилиши мумкин.

3. Ахоли пункти ерлари ҳуқуқий холатида ер ва бошқа мулкий муносабатлар ўзвий алоқалик хусусиятига эга бўлади. Аммо, бу муносабатлар нисбати шахар ва қишлоқ жойларда тамомила бир биридан фарқ қиласади. Асосий фарқ шундаки, шахар пунктида ер участкасидаги қурилишдан фойдаланиш автоматик равишда шу қурилишларга эгалик ҳуқуқини келтириб чиқаради, қишлоқ пунктида эса қурилишга мулк ҳуқуқини қўлга киритиш учун аввал ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш керак. Шундай қилиб, қишлоқ пунктларида биринчи навбатда ердан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш асосий роль ўйнаса, шахар пунктларида эса асосий ролни уй-жойга мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш ўйнайди.

Ўзбекистон  
кодексининг

Республикаси Ер  
68-моддасида

кўрсатилишича, қишлоқ ахоли пункти  
ерлари қўйидагилардан иборат бўлади:

1) қишлоқ ахоли пунктларининг  
кишлoклар ва овуллар ҳудудидаги  
ерлари;

2) қишлоқ ахоли пунктларининг  
кишлoқ хўжалиги хам да ўрмон  
хўжалиги корхоналари, муассасалари ва  
ташқилотлари ҳудудидаги ерлар.

Кишлоқ ахоли пункти ерлари асосан қишлоқ хўжалик корхоналари эгаллаб турган ерларда жойлашган бўлиб, улар ушбу корхоналарнинг жамоат (асосий) ерларидан натура тарзида ажратиб қўйилади. Лекин шуни айтиш керакки, бу иккала ер фонди ўртасида ўтиб бўлмайдиган чегара йўқ эмас. нинг ўсиб бораётган эҳтиежларини эътиборга олиб пунктлари ерларини жамоа ерлари хисобига тегишли органлар қарорига мувофиқ кенгайтириш мумкин.

Кишлoқ ахоли пунктi ерлари деганда туман давлат хокимияти органлари томонидан режалаштириш, қуриш ва ички хўжалик ер тузилиши режаларига мувофик равишда тасдиқланган ва белгиланган чегара доираларида жойлашган, нинг турар-жой, бошқа маданий-маиший эҳтиежларига керакли бинолар, шунингдек дехкон хўжалиги учун бериладиган ер участкалари тушунилади.